

Документ подписан:

дата:2025.01.10 09:44:18
серийный номер: 789f4f97
компания:IMAN HALAL INVESTMENTS
KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO KSH
ИНН: 307128450
фирма: KAXXAROV ILYOSJON
email: [\[redacted\]](#)

дата:2025.01.10 09:52:35
серийный номер: 78043f01
компания:
ИИН/ПИНФЛ: 502881210/30403820990022
фирма: KAXXAROV ILYOSJON
email: [\[redacted\]](#)



11EFCF0D8D07889CAD311E0008000075

идентификатор электронного документа

ПРОТОКОЛ ПОДПИСАНИЯ ДОКУМЕНТА

Поставщик	"IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO" KSH	Покупатель:	KAXXAROV ILYOSJON ISROILOVICH
ИНН	307128450	ИИН	30403820990022
Адрес	ГОРОД ТАШКЕНТ МИРЗО УЛУГБЕКСКИЙ РАЙОН Sayram MFY, Ravnaq ko'chasi, 21, 21a-uy	Адрес	Бухарский район Кунжикальба МФЙ, Ўтрор кучаси, 25-үй

Информация о документе

Номер и дата документа

№ 1 от 03.01.2025

IMAN PAY ПЛАТФОРМАСИДА РҮЙХАТДАН ЎТИШ БҮЙИЧА ОФЕРТА

№ 1.

Тошкент ш.

03.01.2025

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР

“Оферта” – Компания томонидан офертада кўрсатилган шартлар асосида номуайян шахсларга юборилган ва уни қабул қиласиган шахс билан шартнома тузиш ниятини ифода этадиган таклиф.

“IMAN PAY” – “IMAN PAY” электрон платформаси (www.imanpay.uz интернет манзилидаги сайтда жойлаштирилган ва/ёки Google Market ва App Store’дан юклаб олиш мумкин бўлган мобил иловалар орқали фаолият юритувчи платформа. Маҳсулотларнинг оффлайн ва онлайн савдолари IMAN PAY платформаси орқали амалга оширилади.

“Келишув” – Мижоз мазкур оферта шартларини қабул қилиб, акцептлаши натижасида автоматик тарзда тузиладиган олди-сотди шартномаси.

“Акцепт” – ушбу офертанинг З-бобида кўрсатилган тартибда маълумотларини платформага киритган ва рўйхатдан ўтиш учун барча ҳаракатларни бажариш.

“Компания” – **“IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO”** коммандит ширкати, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ рўйхатга олинган. (Рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома: 2020 йил 13 февраль, № 814296. ИНН: 307128450, ИФУТ: 47190, МФО: 01017. Ҳисоб рақами: 2020 8000 2051 8157 4001, “Ипотека-Банк” АКИБ Яккасарой филиалида). Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уй .

“Мижоз ” – офертада кўрсатилган шартларни тўлиқ ва сўзсиз акцепт қилган, муомала лаёқатига эга жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

“Компаниянинг ҳамкори” – бу Компания томонидан кейинчалик уни Мижозга сотиш мақсадида унинг буюртмасига асосан маҳсулот харид қилинган тадбиркорлик субъекти (дўкон).

“Томон” ёки “Томонлар” – контекстга боғлиқ равишда Мижоз ёки Компания, ёки мос равишда ҳар иккала тараф.

“Маҳсулот” – фуқаролик айланмасидан олинмаган ва чекланмаган товар. У Компаниянинг ёки ҳамкор савдо нуқталари ҳамда электрон платформаларида сотиш учун тақдим этилган товар.

“Буюртма” – Мижоз томонидан IMAN PAY орқали маҳсулотни харид қилиш учун берилган ариза.

“Компаниянинг платформалари” - Компанияга тегишли IMAN, IMAN Merchant, IMAN web каби илова ва вебсайтлар.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Оферта Компаниянинг ушбу офертада кўрсатилган шартларда IMAN PAY платформаси орқали маҳсулот сотиш истагида бўлган мижозларни рўйхатдан ўтказиш ва тўлов қобилиятини аниқлаш мақсадида номуайян шахсларга йўналтирилган расмий оммавий таклифи ҳисобланади.

2.2. Ушбу оферта IMAN PAY платформасида Мижознинг рўйхатдан ўтказиш ва тўлов қобилиятини аниқлаш билан боғлиқ шартларни тартибга солади.

3. РҮЙХАТДАН ЎТИШ ВА ТҮЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ СКОРИНГ ҚИЛИШ

3.1. Мижознинг рўйхатдан ўтиши ва буюртмани расмийлаштириш тартиби қуйидаги 3 та босқичдан иборат:

3.1.1. Компаниянинг тизимида рўйхатдан ўтиш тартиби

- а) Мижоз Компаниянинг платформаларида **ўзига тегишли мобил телефон рақами орқали** шахсий ҳисоб (аккаунт)ни ўзи мустақил ёки ҳамкор-дўконлардаги ҳамкор-дўконнинг ёки Компаниянинг ходимлари ёрдамида яратиши мумкин. Мижозлар учун мўлжалланган платформани (IMAN) Apple store ёки Google play да юклаб олиш мумкин ёки ҳамкор-дўконлардаги ҳамкор-дўконнинг ёки Компаниянинг ходимларига мурожаат қилиши мумкин.
- б) Мижоз киритган ёки ходимга айтган телефон рақамига Компания томонидан “Оммавий оферта”га хавола ва **тасдиқлаш кодидан иборат** СМС юборилади.

3.1.2. Офера шартларига розилик ва маълумотларни қайта ишлашга розилик бериш

Мижоз СМС орқали юборилган кодни Мижоз Компаниянинг платформасига киритиш ёки ходимга айтиш орқали ўз рақамини ва **оферта шартлари ва шахсий маълумотларини қайта ишлашга** розилик беришини тасдиқлайди.

3.1.3. Мижознинг идентификациялаш ва тўлов қобилиятини аниқлаш (скоринг)

Мижоз Компаниянинг платформасида (My ID тизими ва шу каби бошқа тизимлар орқали) идентификациялаш ва тўлов қобилиятини текшириш мақсадида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- а) Шахсий паспорт/ID картаси ёки ЖШШИР рақамини ва туғилган санани киритиш.
- б) «Селфи» суратга олиш орқали шахсини тасдиқлаш.
- в) Шахсий банк картасини Компаниянинг тизимига боғлаши шарт. Банк карта эгасининг исми билан паспорт/ID картада кўрсатилган исми ва фамилияси мос келиши шарт.
- г) Компаниянинг тизимиша шахсий маълумотларни (қўшимча телефон рақамлари, шу жумладан қариндошларининг телефон рақамларини) киритиш ва уларни тасдиқлаш.
- д) Компаниянинг тизимида сўралган бошқа қўшимча маълумотларни, жумладан мобил курилмасида Мижоз фойдаланишга рухсат берган расм, жойлашув, платформадан фойдаланишнинг фаоллик даражаси ва бошқа маълумотларидан Компания фойдаланишига рухсат беради.
- е) Мижоз томонидан барча зарур маълумотлар тўғри киритилиши шарт.

3.1.4. Мижоз юқорида санаб ўтилган ҳаракатларни бажаргандан сўнг, Компания тизими томонидан **скоринг** амалга оширилади. Скоринг натижаларига кўра Мижозга **мавжуд тўлов лимити** белгиланади. Ушбу лимит доирасида Мижоз маҳсулотни муддатли тўловга харид қилиши мумкин. Ажратилган лимит миқдори маҳсулот таннахи ва устамасини ўз ичига олади.

3.1.5. Лимит миқдори танланган муддатга боғлиқ равишда ҳисобланади ва Мижоз банк картасидаги пул айланмасига мувофиқ ҳар ой ўзгариб туриши мумкин. Лимит унга берилган пул миқдорини эмас, балки Мижознинг тўлов қобилиятига асосан унинг сотиб олиши мумкин бўлган маҳсулот нархининг чегарасини белгилайди.

3.1.6. Агар Мижоз скоринг жараёнида бошқа шахсга тегишли бўлган шахсий маълумотларни ёки бошқа шахснинг пластик карта маълумотларини киритган бўлса, бунинг оқибатида Компанияга келтирилган зарар учун жавобгарлик Мижоз зиммасига юкланади.

Шунингдек, бундай нотўғри маълумотлар асосида кейинчалик тузилган дастлабки келишув ва олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган барча молиявий ва хуқуқий жавобгарлик Мижоз зиммасига юкланади.

Агар Мижоз пластик карта эгасидан тегишли рухсат олган бўлса, буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиши шарт. Агар бундай ҳолатлар олди-сотди шартномаси тузилганидан кейин аниқланса ва Мижоз мазкур тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса, унга расмий равишда ёзма хабарнома юборилади ва тўловни тўлиқ амалга ошириш талаб этилади. Агар Мижоз талаб қилинган тўловларни белгиланган муддатда амалга оширмаса, Компания қарзни ундириш учун судга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Агар бошқа шахс (картанинг ҳақиқий эгаси) ўз зиммасига молиявий мажбуриятларни олмаганини ва Мижознинг ҳатти-харакатларида фирибгарлик аломатлари маълум қилса, бундай ҳолат қонунчилик асосида жиноий ҳаракат сифатида баҳоланиб, хукуқни муҳофаза қилиш органларига хабар қилинади.

4. ПЛАТФОРМАДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Мижоз ишончли ва тўғри маълумот тақдим қилиш ҳамда уларни ўз вақтида янгилаш мажбуриятини олади.

4.2. Мижоз вирус ёки зааррли дастурларни юкламаслик, бошқа шахсларнинг унинг аккаунти логин ва паролларини олишга уринишлардан сақланиши ва IMAN PAY'нинг ишлаш жараёнига салбий таъсир қилувчи ҳаракатлар амалга оширмаслиги лозим.

4.3. IMAN PAY платформасидаги барча маълумотлар ва график тасвиirlар унинг қонуний эгасига тегишилдири. Мижоз Компаниянинг муаллифлик ва турдош хукуқларга риоя қилиши шарт. Ноқонуний фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ таъқиб қилинади.

4.4. IMAN PAY техник носозликлар ёки интернетдаги узилишлар сабабли Мижознинг зарар кўриши учун жавобгар эмас. Мижоз IMAN PAY'га кириш учун фойдаланаётган қурилмалар хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

4.5. Мижоз оферта шартларини бузган тақдирда, у ўз ҳаракатлари учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Компания оферта шартларини бузган ҳолда жойлаштирилган маълумотларни ўчириш ва Мижоз аккаунтини блоклаш хукуқига эга.

Компания қуйидаги ҳолларда Мижоз аккаунтини блокланади:

- а) Учинчи шахсларнинг хукуқ ва манфаатлари бузилганда.
- б) Платформада ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этилганда.
- в) Оферта шартлари бузилганда.

5. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

5.1. Шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик ва умумий қоидалар

5.1.1. Мижоз Ўзбекистон Республикасининг "Шахсса доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонунига асосан ўзининг шахсий маълумотларини қайта ишлашга розилик билдирганини тасдиқлади.

5.1.2. Мижоз шахсий маълумотларини қайта ишлашга берган розилиги мазкур оферта шартларига, шу жумладан қонун талабларига тўлиқ мос бўлиши керак.

5.2. Шахсга доир маълумотлар қуидагиларни ўз ичига олади:

- а) Ф.И.О., туғилган сана ва жойи;
- б) Паспорт маълумотлари (серия ва рақам);
- в) Почта ва электрон манзиллар, телефон рақамлари;
- г) Меҳнат фаолияти ва даромад манбалари тўғрисидаги маълумотлар;
- д) Банк карталари реквизитлари ва кредит тарихи.

5.2.1. Маълумотлар қуидаги мақсадлар қайта ишланиши мумкин:

- а) Мижознинг шахсини аниқлаш ва келишувни тузиш;
- б) Мижознинг тўловга қодирлигини ва мажбуриятларини бажариш қобилиятини баҳолаш;
- в) Келишув бўйича қонуний ҳисоботлар юритиш.

5.3. Шахсий маълумотларни қайта ишлашнинг усуллари

5.3.1. Шахсий маълумотлар автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулларда қайта ишланади, шу жумладан:

- а) Интернет тармоғи орқали маълумотлар узатилиши;
- б) Maxsus дастурий воситалар ёрдамида тўплаш ва таҳлил қилиш.
- с) Барча қайта ишлаш жараёнлари қонунчиликда белгиланган махфийлик талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

5.4. Учинчи шахслар билан ахборот алмашинуви

5.4.1. Мижознинг шахсий маълумотлари қуидаги ҳолатларда учинчи шахсларга тақдим этилади:

- а) Компания билан тузилган шартномаларни бажариш учун тўлов тизимлари ва мобиЛЬ операторларга;
- б) Тўловгага қодирлигини баҳолаш учун скоринг компанияларига.
- в) Қарздорликни ундириш мақсадида тегишли ваколатли давлат органларига.

5.5. Ахборотларни янгилаш ва тўғрилаш ҳуқуқи

5.5.1. Мижоз ўз шахсий маълумотларининг аниқ ва ишончли бўлишини таъминлаши шарт.

5.5.2. Мижоз IMAN PAY платформаси орқали ёки электрон ариза юбориш йўли билан ўз маълумотларини янгилаш ёки тўғрилашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.6. Розиликни бекор қилиш тартиби

5.6.1. Мижоз шахсий маълумотларни қайта ишлашга берган розилигини қуидаги усуллар орқали бекор қилиши мумкин:

- а) Почта орқали Компанияга ёзма ариза юбориш;
- б) IMAN PAY орқали электрон ариза тақдим қилиш.

Розилик бекор қилинганидан сўнг, шахсий маълумотлар қонуний асосларда сақланиши мумкин бўлган муддатда сақланади.

5.7. Компания ва IMAN PAY'нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.7.1. Компания:

- а) Мижознинг шахсий маълумотларини қонунчиликда белгиланган тартибда қайта ишлашни таъминлайди;
- б) Ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

5.7.2. IMAN PAY:

- а) Мижознинг шахсий кабинетидаги маълумотлардан қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқига эга;
- б) Компания ёки IMAN PAY айби бўлмаган ҳолда ахборотларнинг махфийлиги бузилган тақдирда Мижозга **3 иш куни** ичida хабар беради.

5.8. Мажбуриятларни бажармаслик ва жавобгарлик

- а) Мижоз шахсий маълумотларни нотўғри тақдим этган ёки оферта шартларини бузган ҳолатларда жавобгарликни ўзи зиммасига олади.
- б) Компания шахсий маълумотларнинг учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойдаланилиши учун жавобгар эмас, агар бу ахборотлар хавфсизлик чораларига риоя қилинган ҳолатда тарқатилган бўлса.

5.9. Техник носозликлар ва ахборот хавфсизлиги

- а) IMAN PAY унга боғлиқ бўлмаган ҳолда платформа ишидаги носозликлар туфайли келиб чиқадиган заарлар учун жавобгар эмас.
- б) Мижоз ўз қурилмалари ва дастурий воситаларининг хавфсизлигини таъминлаши шарт.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

6.1. Форс-мажор ҳолатлар бу — фавқулодда ва олдиндан кўриш мумкин бўлмаган табиий ёки ижтимоий ҳодисалар бўлиб, улар томонлар назоратидан ташқарида юзага келади. Бундай ҳолатлар қуидагиларни ўз ичига олади:

- а) Табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, ёнғинлар ва бошқалар);
- б) Уруш ҳолатлари ва ҳарбий ҳаракатлар;
- в) Эпидемия ва пандемия;
- г) Давлат органларининг қарорлари ва ҳаракатлари;
- д) Оммавий тартибсизликлар.
- е) Хаккерлик ҳужумлари

ё) Қонунчилік ҳұжатларига кириtilган үзгариш ва құшимчалар.

6.2. Форс-мажор ҳолатида Компания үзининг айрим ёки барча мажбуриятларини вақтінча бажармаслик ҳуқуқыга эга.

6.3.2. Форс-мажор давомида томонлар ўз мажбуриятларини бажаришни түхтатади ва форс-мажор тугагач, мажбуриятлар қайта тикланади.

6.3. Форс-мажор юзага келганида, томонлар бу ҳақда бир-бирларини зудлик билан, лекин кечиктирмай хабардор қилишлари шарт.

7. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

7.1. Офертада кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиласилар.

7.2. Агар Офертанинг айрим қоидалари ҳақиқий эмас деб топилса, бу ҳолат унинг қолган қоидаларига таъсир қилмайди. Бошқа қоидалар ўз кучида қолади ва Офера тўлиқ амал қилишда давом этади.